

## Устоз хотирасига бағишланган мини футбол мусобақаси хотира турнири

Ҳаёт давом этаверади. Умум манфаатга йўғрилган, илм-у таълим йўлида қилинган ишлар, асло тўхтаб қолмайди. Собиқ ректорнинг содиқ хизматлари жамоа томонидан алоҳида эҳтиром билан эсланиши табиий. Профессор Ўктам Пардаевич Умурзаков инсоннинг ақлий қобилиятига қай даражада эътибор қилган бўлса, унинг жисмоний маданиятига ҳам, спорт мусобақаларига ҳам ниҳоятда эътиборли бўлганлари институтимиз жамоасига яхши маълум. Уларнинг хотирасига бағишланган турнир мини футбол бўйича устоз ташаббускорлигида ташкил этилган спорт мажмуасида бўлиб ўтди. Унда институт педагогик жамоаси билан бирга устознинг оила аъзолари қариндош-уруғлари, фарзандлари ва неваралари иштирок этишди. Энг қизиқарли ва аҳамиятли томони шундаки, унда Устознинг невараларидан таркиб топган “Умурзаков” жамоаси ва институтимизнинг “Ирригатор” гуруҳи ўзаро мусобақага киришди.

Ўйин бошланишидан олдин Институт ректори в.б. профессор Мирзаев Баҳодир Суюнович марҳум устознинг таълим муассасамиз фаолиятидаги ўрни борасида сўз юритиб, ушбу спорт майдонининг яратилишидаги ташкилотчилиги ҳақида тўхталди. Сўнгра устознинг қариндошлари ва барча яқинларига ташрифлари учун миннатдорчилик билдириб футбол спектаклига старт берди. Ўйин ниҳоятда қизиқарли тарзда кечди. Натижа шундай бўлдики, “Умурзаков” жамоаси ўзининг маҳорати, яқдил ҳаракати ва чапдастлиги боис 7-5 ҳисоби билан ғолибликни қўлга киритишди. Домланинг невараларидан Самир, Даврон, Темурмаликлар ўзининг шижоати билан барчанинг эътиборини қозонишди. Институт раҳбарияти томонидан тайёрланган Кубок ва бир қатор совғаларни қўлга киритишди. Мусобақа жараёнида футбол майдончасида ҳаракат қилган ҳар иккала жамоанинг таркибини ва номинациялар ғолибларини келтирамыз.



### № “Умурзаков” жамоаси

- 1 Умурзаков Диёр
- 2 Умурзаков Даврон
- 3 Умурзаков Темур-Малик
- 4 Насыров Самир
- 5 Матчанов Садам
- 6 Усманов Мухтор
- 7 Усманов Яхё
- 8 Тохтахунов Камол
- 9 Азизов Саидазиз
- 10 Умурзаков Эльёр (Тренер)


### № «Ирригатор» жамоаси

- 1 Сулоймонов Шариф
- 2 Йўлдашов Наврўз
- 3 Жуманов Озод
- 4 Шержанов Илёс
- 5 Мухамедов Отабек
- 6 Рустамхонов Хамидхон
- 7 Жиянов Руслан
- 8 Нажимов Иброхим
- 9 Норқобилов Муҳиддин  
(Тренер)
- 10 Махмудов Воҳиджон  
(Хакам)



№ **НОМИНАЦИЯЛАР**

<b>1</b>	<b>Энг яхши дарвозабон</b>	<b>Умурзаков Даврон</b>
<b>2</b>	<b>Энг ёш ўйинчи</b>	<b>Насыров Самир</b>
<b>3</b>	<b>Энг яхши ҳужумчи</b>	<b>Умурзаков Темур-Малик</b>
<b>4</b>	<b>Энг яхши ярим ҳимоячи</b>	<b>Нажимов Иброхим</b>



Ўқтам Умурзаков номи билан боғлиқ хотира турнирини ҳар йили мунтазам равишда спортнинг барча турлари бўйича ўтказилишини проректор Рўзимурат Чориев алоҳида эътироф этди.

**ТИҚХММИ матбуот хизмати**